

МИНТАҚАДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ

Санъат Отаназарович ЧЎПОНОВ

доцент

Маъмун университети

Хива, Ўзбекистон

chuponov_sanat@mamunedu.uz

Аннотация

Ушбу мақолада глобаллашув жараёни кучайишида халқаро хизматлар савдоси тушунчаси, шаклланиш жиҳатлари механизми, ривожлантириш омиллари ва таснифланиши билан боғлиқ муносабатлар муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар: Халқаро хизматлар савдоси, хизматлар савдоси механизми, омиллари ва таснифланиши.

ХАРАКТЕРИСТИКА И АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННЫХ УСЛУГ В РЕГИОНЕ

Санъат Отаназарович ЧУПОНОВ

доцент

университет Маъмуна

Хива, Узбекистан

chuponov_sanat@mamunedu.uz

Аннотация

В данной статье анализируется понятие международной торговли услугами, особенности и механизм формирования, факторы развития и его классификация в условиях глобализации.

Ключевые слова: Международная торговля услугами, механизм, факторы и классификации международной торговли услугами.

Мамлакат ва минтақада хизматлар иқтисодиёти ривожда инновацион хизматларнинг ўрни бошқа иқтисодий омиллар ичида энг устуворларидан ҳисобланади. Минтақада кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириш, амалга ошириш механизмини модернизациялаш соҳа ривожига ва самарадорлигининг ошишига олиб келади. Замонавий хизматлар халқаро савдосини ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бўлиб, уларни ушбу хизматлар кўрсатилишида бевосита-билвосита иштирок этувчи субъектлар бажарадилар. Хизматларни халқаро бозорларга таклиф қилишда ҳар бир мамлакат, миллат ёки алоҳида гуруҳларнинг имкониятлари чуқур таҳлил қилиниши ва шунга мос хизматларни етказиб бериш бу — бозор иштирокчиларига айланишнинг ишончли, кафолатли йўлидир. Ушбу

жараённинг қанчалик сифатлилиги эса, кўрсатилаётган хизматларнинг ҳар бир турини истеъмолчиларига етказиб беришнинг ҳар қайси босқичида иштирок қилувчи субъектлар самарали фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатувчи субъектларнинг истеъмолчиларга ўзлари таклиф қиладиган хизматларнинг қанчалик сифатли, рақобатбардошлиги ҳамда бозор талабига мувофиқлиги ушбу хизмат турларининг қай даражада замонавий услубларга асосланишига, илғор технологиялардан фойдаланилишига, юқори малакага эга бўлган кадрларга таянишига ёки умумлаштириб айтганда, субъектларнинг инновацион фаолиятига боғлиқ равишда баҳоланади.

Тармоққа оид ушбу устувор вазифаларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон қарори қабул қилинди. Қарорда хизмат кўрсатувчилар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 2021–2023 йилларда хизматлар соҳаси ривожига тўсиқ бўлаётган бюрократик муаммоларни ҳал этиш, хизматлар диверсификациясини кенгайтириш, айниқса, чекка ҳудудларда транспорт, молиявий, банк, туризм ҳамда бошқа хизматлар қамровини кенгайтириш, республиканинг ҳар қайси чекка ҳудудларда таълим ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ хизматлар сифатини яхшилаш ва хизматлар соҳасига хусусий секторни жалб қилиш билан боғлиқ қулай иқтисодий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш [1] лозимлиги белгилаб берилган.

Австриялик иқтисодчи олим П. Друкер инновациялар кучли истак ёки омад орқали эмас, балки ҳар қандай иқтисодий фаолиятни олиб боришда янги технологияларга таяниши кераклигини таъкидлаганлиги [2] инновацион хизматлар соҳасига ҳам бевосита тегишлидир.

АҚШлик олим Кеннет Кан эса инновацияни уч хил тушунча билан, яъни, инновация – бу натижа, инновация – бу жараён ва инновация – бу фикр, деб ажратади [3].

Юқоридаги олимларнинг инновацияга берган изоҳларидан келиб чиқиб, инновация бу – чуқур изчил изланишлар жараёни дейиш мумкин. Илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ қилиш орқалигина инновацияга эришиш мумкинлигини тўғрисида ҳақли хулоса қиламиз.

Минтақада кўрсатилаётган анъанавий хизматлар ёки янги, ҳали амалиётга энди кириб келаётган хизматларнинг татбиқ қилинишидан, унинг истеъмолчиларга етиб боргунча бўлган жараёнда иштирок қилувчиларнинг инновацион фаолиятини, Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)нинг хизматларнинг тармоқлар таснифи бўйича рўйхатига асосланган ҳолда, Хоразм вилоятида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг инновацион фаолияти билан боғлиқ хизматлар турлари, фаолиятидаги янги йўлга қўйилган хизматлари ва янги киритилиши мумкин бўлган инновацион хизматлари каби белгилар бўйича умумлаштирилган тавсифини шакллантирдик (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг инновацион фаолияти билан боғлиқ хизматлар турлари тавсифи

Т/р	Хизматлар тури	Субъектлар	Фаолияти янгидан йўлга қўйилган хизматлар	Янгидан киритилиши мумкин бўлган қўшимча инновацион хизматлар
1	Бизнесни ташкил қилишда кўмак берувчи субъектлар	Ҳазорасп эркин иқтисодий ҳудуди	"Ягона дарча" тамойили асосида зарур бўлган барча рухсатномаларни бериш	Start-up ассистентлик
2	Ахборот-коммуникация хизматларини олиб боришда иштирок қилувчилар	"Data center"	Ички бозор талабини қондириш учун дастурлар ишлаб чиқиш	Янги замонавий дастурлар яратиб, чет эл бозорларига чиқиш
3	Курилиш, таъмирлаш, инжиниринг ва бошқа техник меъёрий хизматлар кўрсатишда иштирок қилувчилар	"Glass pro" ООО	Қўшни республикаларда ва минтақаларда филиаллар ташкил қилиб, замонавий шиша маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш хизматлари	Ойналарга жойлаштирилган замонавий электро жалюзлар экспортини ташкил қилиш
4	Ҳар қандай етказиб бериш билан боғлиқ хизматлар	"Zuv bozor"	248 хил етказиб бериш хизмати	Миллий маҳсулот турлари ва сонини оширган ҳолда ташқи

	иштирокчилари			бозорларга етказиб бериш
5	Таълим, малака ошириш ва қайта ўқитиш хизматларини кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахслар	Маъмун университети	Ўқитишнинг онлайн, офлайнга асосланган кундузги, сиртки ҳамда кредит тизимининг жорий қилинганлиги	Choice Based Credit system (CBCS) – Ўқитишнинг танловга асосланган кредит тизими, Blended learning (аралаш ўрганиш)[4], Increasing role of social media in education (Таълимда ижтимоий тармоқлар ролини ошириш)[5]
6	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик хизматларни кўрсатувчи субъектлар	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг вилоят бошқармалари	“Евро-2, -3” экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича объектларни экологик сертификатлаштириш	“Евро-4, -5” экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш
7	Молиявий ва инвестициявий хизматлар кўрсатувчи субъектлар	Барча фаолият олиб бораётган молиявий муассасалар	Рақамли форматда фаолият юритадиган илк банклар	Ривожланган мамлакатлар инновация банклари талабларига мувофиқ ислом шартлари асосида кредитлар ажратиш
8	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи субъектлар	Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг филиали	Эндовоскуляр жарроҳлик амалиёти	Юрак трансплантацияси
9	Туризм ва сайёҳлик хизматлари кўрсатувчи субъектлар	Туризм соҳасида фаолият олиб бораётган барча ташкилотлар	Масофавий 3D саёҳат	Барча туристик ва нотуристтик ташкилотлар ўртасида сайёҳлар вақтини тежаш, расмиятчиликни камайитириш мақсадида чегарадан ўтаётган вақтда ягона регистрация қилиш платформасини жорий қилиш.
10	Рекреация, маданий ва спорт хизматлари кўрсатувчи субъектлар	Соҳада фаолият олиб бораётган барча ихтисослашган	Маданий мерос объектлари, рекреация ва спорт масканларига, хунармандчилик маҳаллалари, агро-	Қум, туз конлари ва иқлим билан даволайдиган маҳаллий расмий, халқ таъбири масканлари тизимини ишга тушириш

		ташкilotлар	этно қишлоқларга саёҳатлар	
1 1	Транспорт ва логистика хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва бошқалар	Ўзбекистон темир йўллари ва автомобиль йўллари	Хива-Бухоро-Хива тезюарар поезда, Қорақум, Қизилқум саҳроларига саёҳатлар	Минтақанинг ўзигагина хос бўлган ҳудудларига экотакси, экомобил ҳамда от, туялардан фойдаланган ҳолда турли эко-экзотик хизматларни йўлга қўйиш

**Муаллиф ишланмаси*

Бу каби хизмат турларининг инновацион фаолияти таснифини чуқур тадқиқ қилиниши вилоятни инновацион хизматлар ривожининг илмий-услубий ва амалий асослари бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий фаол бўлмаган, аҳоли ихтиёрида бўш турган маблағ етарлича топилади. Лекин барча аҳоли қатлами вакиллари ҳам пулни қандай ишлатиш, ундан кўпроқ иқтисодий самара олиб келиши бўйича аниқ билим ва кўникмага эга эмаслар. Бундай аҳоли қатлами учун инновацион бўлган “Start up assistance” хизмати уларнинг янги бизнес ғояларига асосланган янги хизмат турларининг йўлга қўйилишини жадаллаштиради. Фикримизча, юқоридаги умумлашган тасниф чуқурлаштирилган вариантнинг ишлаб чиқиши ва амалда қўлланилиши вилоятда яратиладиган хизматларнинг илмий-услубий салоҳияти кўтарилишига ва амалий жиҳатлари асосли бўлишига олиб келади.

Дастурлаш хизматларини кундан-кунга барча соҳалар автоматлашаётган ва дастур маҳсулотларига талаб кескин ортиб бораётган пайтда энг самарали инновацион хизмат турларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу йўналиш ривожини учун ҳали унчалик яхши инфратузилмага эга бўлмасакда, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида илмий салоҳияти юқори қатламнинг нисбатан кўплиги шу ернинг ўзида фаолият кўрсатиб, анча юқори ҳақ тўланадиган ривожланган хорижий бозорларга экспортини кескин ошириш имкони мавжуд. Америкалик иқтисодчи олим Михаил Ингман ахборот технологиялари билан боғлиқ хизматларнинг ривожланаётган мамлакатлар учун фойдали жиҳатларининг шаклланишида

инсон капитали кучли роль ўйнашини, лекин жисмоний капитал кўп талаб қилинмаслиги, хориж билан масофадан ишлаш мумкинлиги, хизматга талабнинг мамлакат ташқарисидан ҳам катта бўлиши мумкинлиги, ушбу хизмат халқаро бозорининг тез суръатларда ўсаётганлиги билан изоҳлайди [6].

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда самарали йўлга қўйилган, ҳар битта соҳага кириб бораётган ва мутахассислар томонидан юқори истикболга эга бўлган дастурлаш хизматларини ривожлантириш минтақамиз иқтисоди учун катта аҳамиятга эга. 2018 йилда АҚШнинг дастурий таъминот соҳасида бевосита 3 миллион ва билвосита 14 миллиондан ортиқ кишилар фаолият олиб боришган. Шунингдек, соҳа тўғридан-тўғри ЯИМга 845 миллиард доллар қўшимча қиймат қўшганлиги ва илмий-тадқиқот ишларига деярли 83 миллиард доллар сармоя киритганлиги [7] соҳанинг жадал ривожланаётганлигини билдиради.

Айниқса, инновацион таълим ҳамда дастурлаш хизматларини батафсил тадқиқ қилиш ушбу хизматларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дастурлаш хизматларини ривожлантириш минтақада ишсизликни бартараф қилиш, ички талабни қондириш, хориж бозорларига экспорт қилиш ва энг асосийси, рақамли иқтисодиётни жадал шакллантиришда жуда катта таъсирга эга. Илгари “тижоратлаштиришга яроқсиз”, деб ҳисобланган кўплаб хизматлар турлари ҳозирги кунда ахборот технологиялари ва телекоммуникация саноатининг ривожланиши туфайли узоқ масофаларга ва қисқа вақт ичида жаҳоннинг турли бозорларига етказиб берилмоқда. Бошқа томондан, ахборот-коммуникация технологияларидаги тараққиёт ва ривожланиш илгари истеъмолчи ва провайдернинг бир жойда бўлишини талаб қиладиган хизматларни масофадан туриб тақдим этишга имкон берди. Замонавий иқтисодиётнинг ўсиши интеллектуал хизматлар билан боғлиқ. Дастурий таъминот каби интеллектуал хизматлар эса ҳозирдан инновацион хизматнинг негизини ташкил этиб, истикболда янада тез суръатларда ўсади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармони янги Ўзбекистоннинг қисқа даврда ҳукуматимиз томонидан таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари каторида таълим олувчилар ўртасида ИТ соҳасидаги замонавий касбларни оммалаштириш чора-тадбирини амалга оширишга ва соҳа тараққиётини жадаллаштиришга йўналтирилганлиги алоҳида эътиборга молик.

2021 йилнинг 10 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ахборот технологиялари соҳасида салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш масалаларига бағишланган йиғилишда рақамли иқтисодиётни келгуси беш йилда мамлакатимиз тараққиётининг асосий драйвери сифатида белгилаб олинганлиги, бу борада барча соҳа ва ҳудудларда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бошланганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бундан ташқари, ҳозирги кунгача ҳудудларда 89 та, тармоқларда 200 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилганлиги ва шу йилнинг 8 ойи давомида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар ҳажми 2,4 бараварга, уларнинг экспорти 3,3 бараварга оширилиб, 26 миллион долларга етганлигини [8] маълум қилдилар. Ахборот технологиялари соҳасида бундай ҳукумат сиёсати даражасида олиб борилаётган ислоҳотлар яқин йиллар ичида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақамлаштирилишига ва инновациялашувига хизмат қилади. Унинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларида рақобатбардошлигини оширади ва тўлов баланси ижобий сальдосини таъминлайди.

Таълим олиш мақсадида илм изловчиларнинг бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга ёки мамлакатга кўчиб бориш ҳаракатлари дастлаб эрамиздан олдинги IV асрга бориб тақалади. XX асрга келиб таълим хизматлари савдоси фақат фойда кўриш ёки бизнес қилиш учун эмас, балки, кам ривожланган мамлакатларга ижтимоий кўмак сифатида кўпроқ шаклланган ва вақт ўтиши ушбу инновацион хизмат турининг ривожига олиб келди.

Кейинги даврда, инглиз тили расмий тил деб тан олинган саноати ривожланган мамлакатларда таълим хизматлари ривожлантирилди. Бу ҳолат таълимни, аниқроғи, инновацияларнинг тижоратлаштирилишини жадаллаштирди. Хусусан, 1985–2000 йилларда трансмиллий таълим орқали оффшор бозорларда турли халқаро даражадаги франчайзинг ва қўшма дастурлар ҳамда ҳамкорлик (twinning) дастурлари тараққий қилди. XXI асрдан бошлаб, Дубай, Сингапур, Шанхай, Лондон, Доха ва бошқа шаҳарларда “трансмиллий таълим марказлари (hubs)”да оффшор кампусларларнинг ташкил қилиниши таълим хизматлари халқаро савдосининг янада жадал ривожланишига олиб келди. Россия, Италия, Малайзия, Япония ва Жанубий Корея каби давлатлар кўплаб кампусларининг Ўзбекистонда ҳам жойлашганлигини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Сўнгги 10 йилликда нафақат тараққий қилган АҚШ, Ғарбий Европа давлатлари, Австралия, балки, кўплаб Осиё мамлакатлари ҳам таълим хизматлари экспортида салмоқли натижаларга эришиб, ушбу хизмат турининг иқтисодий ўсун аҳамиятини ҳамда келажакда янада ривожлантириш мумкинлигини исботламоқдалар. Буларга Хитой Халқ Республикасида 2018 йилда 492 мингдан зиёд талабаларнинг 196 мамлакатдан [9] эканлиги, Россия Федерациясида 2020 йилда 315 минг [10], қўшни Қозоғистонда эса Ўзбекистон (3683), Ҳиндистон (3290), Туркманистон (1320), Хитой (1290), Қирғизистон (1026) ва бошқалар ҳисобига 14 минг нафар хорижий талабалар [11] таҳсил олаётганликларини келтириб ўтиш мумкин. Кўплаб мамлакатлар таълим хизматлари экспортини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга сабаб, биринчидан, катта иқтисодий фойда олиш, иккинчидан, кучли рақобат таъсирида таълим хизматлари сифатининг жаҳон стандартларига яқинлашуви, учинчидан, илм-фан, техника, тил, маданият ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши орқали мамлакатнинг жаҳондаги имиджи ва мавқеининг ошишига олиб келади [12].

Мамлакатимиз таълим тизими учун янги бўлган “Choice Based Credit system (CBCS) – Ўқитишнинг танловга асосланган кредит тизими” ни

мамлакатимиз ва унинг минтақаларида, жумладан, Урганч давлат университетида жорий қилиниши эса таълим хизматларининг янада ривожланишига сабаб бўлади. Ушбу инновацион тизимнинг жорий қилиниши таълимда назоратнинг кучайишига, талабаларнинг мустақил изланишига, педагоглар ўртасида кучли рақобат шаклланишига, ўқув дастурларининг жаҳон стандартларига яқинлашишига, тизимнинг электронлашишига ва, энг муҳими, миллий таълим тизими имиджининг жаҳон таълим бозори стандартлари даражасига кўтарилишига олиб келади. Иқтисодиёт бўйича 2019 йилги Нобель мукофоти совдиндорларининг таълим дастурлари бўйича олиб борган илмий изланишлари натижаларига кўра, қисқа муддатли шартнома асосида фаолият олиб борадиган педагогларнинг натижалари одатдаги тизимга нисбатан юқори самарали эканлиги, яъни, бир йиллик ёки юқори натижа кўрсатган педагогларга нисбатан узоқроқ муддатли шартномалар орқали ишга ёллаш таълим соҳаси ривожига ижобий хизмат қилиши аниқланган. Малайзиялик иқтисодчи олим С.Й. Там таълим хизматлари халқаро савдоси ривожига шаффоф қонунчилик мавжудлиги, аккредитациянинг фақатгина бошқарувга ёки ҳужжатларга эмас, балки таълим сифатига кучли эътибор қаратилиши ва университетлар нуфузи билан боғлиқ эканлигини илмий тадқиқ қилган[13].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, инновацион таълим хизматлари – бу ўрганувчиларга самарали, қизиқарли ва осон услубда билимларни етказиб беришнинг янгича ҳамда ноёб ўргатиш технологиясидир. Таълим беришнинг анъанавий шаклларида воз кечган ҳолда, ўрганувчиларда хато қилиб қўйишдан чўчимаслик ва тўлиқ эркин ҳолда ғояларини юзага чиқаришга имконият яратиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Қурилиш, таъмирлаш хизматлари соҳасида бугунги кунда кузатилаётган энг катта камчилик, бу соҳада малакали кадрларнинг етишмаслигидир. Фаолият олиб бораётган кўпчилик мутахассисларнинг фақатгина амалий кўникмаларга эгалиги, ҳам назарий, ҳам амалий тажрибага


эга бўлган мутахассислар камлиги қурилиш хизматлари билан боғлиқ турли муаммоларга сабаб бўлмоқда. Ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш билан боғлиқ таълим тизимини тўғри ташкил қилиш, хориж тажрибаларини ўрганиб келиш билан боғлиқ тизимнинг йўлга қўйилиши соҳа ривожига хизмат қилади.

Шунингдек, минтақада ривожлантириш имкониятлари юқори бўлган банк тизимида янги жорий қилинган илк рақамли форматда фаолият юритадиган янги замонавий банклар афзалликлари сифатида, банкларнинг офиссиз, яъни, онлайн форматда иш олиб боришини мисол қилиш мумкин. Бу эса уларни ижара, солиқлар, коммунал ва бошқа тўловлардан озод қилади, ортиқча ходимларга эҳтиёж қолдирмайди. Яъни, банкнинг қўшимча харажатларини кескин қисқартиради ва бу орқали хизматлар истеъмолчилар учун анча арзон бўлади. Бу, айниқса, пандемияга қарши кураш шароитида ўта муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатимиз банк-кредит тизимида таклиф қилинаётган, ислом шартлари асосида кредитлар ажратиш тизими эса аҳолининг кўпчилик анъанавий кредитлардан фойдаланмаётган қисми учун ишончли молиявий қўллаб-қувватлаш манбаи ҳисобланади. Исломий молия инновацион молиялаштириш тизимини ўзида мужассам этган соҳа сифатида жадал ривожланмоқда. Бугунгача 300 дан зиёд ислом банки ва молия муассасаларининг ялпи активлари 2,5 триллион доллардан ошиб, йилига 15–20 фоизга ўсаётгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин [14]. Бу эса хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни янада ошишига ва жаҳоннинг кўпчилик мусулмон давлатлари катта молиявий маблағлари ёрдамида хизматлар халқаро савдосини кенгайтиришга олиб келади.

Инновацион хизмат турлари, тавсифимизга биноан, транспортда ташиш хизматлари, мамлакат автомобиль ва темир йўллари акционерлик жамиятлари томонидан йўловчиларни ва туристларни ташиш билан боғлиқ янги инновацион хизмат турларини қабул қилиш жуда истиқболли ҳисобланади. Бунга мисол қилиб бегона эркак ва аёлларнинг битта купега ёки плацкарт вагонлардаги алоҳида бўлинмага тушишини олдини оладиган

дастурдан фойдаланиш, плацкарт вагонлардаги жойларни ҳеч бўлмаганда 50% ини аёллар учун махсус пардалар (жалюз) лар билан жиҳозлаш, шунингдек, эски моделдаги хожатхона унитазлари ўрнига жамоат жойлари учун мўлжалланган полга ўрнатиладиган (турк, генуя косаси) туридаги унитазларни ўрнатишларни келтириш мумкин. Бундай кичик эътибор ва кам харажат талаб қиладиган ўзгаришлар нафақат мусулмон давлатларидан, балки бошқа кўплаб мамлакатлардан ташриф буюрувчи туристларнинг темир йўл хизматларига бўлган талабини оширади, туристлар оқимини кўпайтиради. Шунингдек, Хоразм вилоятига хос бўлган турли эко-, этнотуристтик маршрутларда экотакси, электромобиль ҳам туристлар учун экзотик бўлган от, туялардан фойдаланиб, манзилларга етказиш бу турдаги туристик йўналишларнинг жозибадорлигини оширади. Шу ва бошқа хизматлар турлари таклиф қилинган инновацион йўналишларнинг амалиётга жорий қилиниши минтақа иқтисодиёти ривожига катта аҳамият касб этади.

Маҳаллий статистик маълумотларни тақдим қилиш тизимидан келиб чиқиб, Хоразм вилояти, мамлакатимиз ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари мисолида умумлаштирилган хизматлар экспорт улуши қиёсий таҳлили ўрганилганда, қуйидаги жиҳатлар аниқланди (1-расм).



*Муаллиф ишланмаси

1-расм. Европа, мамлакатимиз ва Хоразм вилояти мисолида хизматлар экспорт улушининг қиёсий таҳлили (фоизда).

2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси умумий хизматлар экспорти таркибида инновацияларга оид телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари экспорти ҳажми 6,5% га, транспорт хизматлари – 44,5% ва сафарлар – 40,8% хизматларидан кейин учинчи ўринда бўлиб, олдинги йилларга нисбатан умумий хизматлардаги улуши ортган [15].

Юқорида мисол сифатида қайд қилинган ва бошқа хизматлар йўналишларида инновацион фаолиятнинг кенг жорий қилиниши жаҳоннинг кучли рақобатга асосланган бозорида фаолият юритишнинг энг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараёни тизимли йўлга қўйиш орқали келажакда хизматлар халқаро савдосида таълим ва дастурлаш хизматларининг янада ривожланишига, хорижий валюта оқимининг янада ортишига эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 май ПҚ-5113-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5421233>
2. Alina Safiullina, Arthur Fatkhiev, Denis Ulesov (2014). The main categories of innovative economy. *Procedia Economics and Finance* 15(2014). P. 459-465;
3. Kahn, K. (2018). Understanding innovation. *Business Horizons*, 61(3), p. 452–460.
4. Vance, M. (2013) —2013 Higher education trends: Blended learning. <https://rmsbunkerblog.wordpress.com/2013/08/26/2013-higher-education-trends-blended-learning/>
5. Arnett T. (2015), Customizing education requires better assesments. Jan 9, 2015. <https://www.christenseninstitute.org/blog/customizing-education-requires-better-assesments/>

6. Michael Engman (2010). International Trade in Services: new trends and opportunities for developing countries. The World Bank. Washington, D.C.P. 219.
7. Software.org: BSA Foundation, Software: Growing U.S. Jobs and the GDP, 2019. P.8.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 10 сентябрдаги IT соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича видеоселектордаги маърузаси. <https://xs.uz/uzkr/post/raqamli-iqtisodiyotni-rivozhlantirishda-birlashgan-arab-amirliklari-bilan-hamkorlik-qilinadi>
9. Jing Qi (2021). Impact of rising international student numbers in China. University world news. <https://www.universityworldnews.com/post.php?story=20210521085934537>
10. Studyinrussia.ru <https://studyinrussia.ru/why-russia/advantages/>
11. Qazaqtimes.com <https://qazaqtimes.com/en/article/38002>
12. Diana Kucherenko, Olena Martynyuk (2018). Modern trends of the development of the international market of educational services. Economics & Working Capital. <http://eworkcapital.com/modern-trends-of-the-development-of-the-international-market-of-educational-services/>
13. S.Y.Tham (2014). Trade liberalization and domestic regulations: Implications for Malaysia as regional education hub by Asian Development bank Institute and Organization for economic Co-operation and development. P.426.
14. “Миллий тикланиш” ижтимоий-сиёсий газетасининг, 2021 йил 28 июлдаги 25 (1127) сони. <https://mt.uz/gazeta>
15. Stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти)